

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

КАТТАХАНОВА ДИЛНОЗАХОН СОБИР ҚИЗИ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Каттаханова Дилнозахон Собир қизи

Янги Ўзбекистонда ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал
механизмлари.....3

Каттаханова Дилнозахон Собир қизи

Институциональные механизмы подготовки молодых лидеров в Новом
Узбекистане.....23

Kattakhanova Dilnozakhon Sobir kizi

Institutional Mechanisms of Training Young Leaders in New
Uzbekistan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

КАТТАХАНОВА ДИЛНОЗАХОН СОБИР ҚИЗИ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ ЛИДЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ss170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Давлат бошқаруви академияси веб-сайти (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуранбаев Қаҳрамон Қўчқарович сиёсий фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муқимжон Қирғизбоев сиёсий фанлар доктори, профессор
	Юсубов Жамшид Қадамович Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биноси, Давлат бошқарувининг сиёсий асослари кафедраси, 7-қават, 711-хона. Тел.: (+99871) 232-60-47; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ -__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. ДБА маъмурий биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 232-60-47.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Т. Жалилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, сиёсий фанлар доктори, профессор

Ф.О. Қўйсинава
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Т. Жалилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари тараққиёти ва истикболини белгилаб беришда ёшлар муҳим ресурс ҳисобланганлиги сабабли давлат сиёсатида ёш лидерларни тайёрлаш масаласи муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. Дунёда 30 ёшгача бўлган 3,5 миллиард одам яшайди, улар сон жиҳатидан тарихдаги энг кўп сонли аҳолини ташкил қилади. Кўп мамлакатларда ёшлар (18-30 ёш) аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади, бироқ кўпинча ёшлар ўзларини сиёсат ва қарорлар қабул қилишдан четда қолгандек ҳис қиладилар, бу ҳолат ҳамда ёшларнинг бўш қолиши давлатга ишончсизлик туйғусини уйғотиши мумкин. Шу жиҳатдан бугунги кунда кадрлар сиёсатини юритишда жаҳон мамлакатларида ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмларини амалий жиҳатдан такомиллаштириш ва жорий қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳон мамлакатларида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, улар давлат бошқаруви тизимининг замонавий кўринишларини амалиётга татбиқ қилишлари билан боғлиқ илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида ёш лидерларни кашф қилиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ёш лидерлар тайёрлашнинг янги институционал механизмларини ишлаб чиқиш бўйича устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган жадал ислохотлар шароитида трансформациялашув тенденциялари, миллий менталитетимиз ва илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда, замонавий фикрлайдиган ёш лидерларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва қарор қабул қилиш жараёнларига уларни кенг жалб қилиш борасида муайян иш амалга оширилмоқда. “Сўнгги йилларда ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шу билан бирга, маҳаллий кенгашларда ҳам, худди Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби, ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилади.

Шунингдек, иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари — “Келажак лидерлари”ни шакллантирамиз.” Бу борада ёшларга оид тузилмалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда давлат бошқарувида ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш ва режалаштириш механизмини такомиллаштириш, волонтерлик фаолиятдан самарали фойдаланиш негизида ёш кадрларни ишга қабул қилишда ушбу фаолиятни ҳисобга олиш тизимини қонунийлаштириш ҳамда ёшлар парламенти моделини янада замонавийлаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил

30 июндаги ПҚ-4768-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 22 ноябрдаги Ф-5-сонли “2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”, 2020 йил 11 сентябрдаги 759-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига тингловчиларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 4 сентябрдаги 440-IV-сон “Қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга ошириш жараёнида ёшлар иштирокини янада фаоллаштириш тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёш лидерларни тайёрлаш масаласи бир қатор олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, мавзуга доир илмий тадқиқотларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиб, таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи гуруҳ манбаларига ўзбек давлатчилигининг илк кўринишлари ва улардаги сиёсий лидерлар масаласига буюк алломаларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Низомулмулк, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин. Лидерлар бошқаларни ортидан эргаштириши нуқтаи назаридан, уларга қўйиладиган қатор талаблар, ахлоқий мезонлар, уларнинг маънавий фазилатлари, хулқ-атвориغا оид илк қарашлар акс этган.

Иккинчи гуруҳ манбаларига лидерликнинг илк кўринишлари ва назарияларини тадқиқ қилган Ғарб олимлари Аристотель, Платон, М. Вебер, Геродот, Фукидид, Плутарх, Н. Макиавелли, Ш.Л. Монтескье, Г.Ф. Гегель, Р.Э. Эмерсон, Ф.Ницше, Й.Шумпетер ва бошқалар, шунингдек, замонавий Ғарб олимларининг тадқиқотларини киритиш мумкин, булар қаторида Аллан Дейл Томпсон, Карлин Уивер, Ж. Чендлер, Женнифер Мортенсен, Жастин Краун, Мариям Тереза Рейли, Мэри Бранинг, Ричард Дж. Хартз, Сара Дж. Уилльямс, В. Парето, Питер Друкер, Л. Гумилёв ва бошқаларни қайд этиш лозим. Ёш лидерларни тайёрлаш борасида Ғарб олимларининг қарашлари бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Томас Карлайль ўзининг “Буюк инсон назарияси” (The Great Man Theory) да лидерлик фазилатларини туғма қобилият деб ҳисобласа,

Козес, Познер ва Карлин Уиверлар лидерликни ҳаёт давомида шаклланадиган феъл-атвор ва кўникма деб ҳисоблайдилар.

Познер, Козес ва Уиверларнинг фикрига кўра, махсус тайёрлов дастурлари, ўқув курслари ва амалиёт тизими орқали ёшларда лидерлик кўникмаларини шакллантириш мумкин. Аллан Дейл Томпсон ҳам уларнинг ушбу фикрини қўллаб-қувватлайди ва шахслараро (юмшоқ) кўникмаларни ривожлантириш бўйича индивидуаллаштирилган мураббийлик дастурларини икки катта турга ажратади: жараёнга йўналтирилган дастурлар; кўникмаларга йўналтирилган дастурлар.

Учинчи гуруҳ манбаларига замонавий ўзбек олимларининг тадқиқотларини киритиш мумкин. Хусусан, ёшлар сиёсати, лидерларни тайёрлаш масалаларини ўз асарлари ва тадқиқотларида И. Эргашев, М. Қирғизбоев, Қ. Назаров, Б. Эргашев, Б.Жўраев, М. Бекмуродов, М. Бойдадаев, Т. Алимардонов, Қ. Куранбаев, А. Жалилов, И. Машарипов, Ф. Равшанов, Г. Жамолова, Т. Атамурадов, Ж. Юсубов каби олимлар тадқиқ қилганлар.

Юқоридаги ўзбек олимлари ўз тадқиқотларида ёш лидерларни тайёрлашда миллий ўзига хослик, маънавий-ахлоқий жиҳатларни инобатга олган ҳолда мавзунини кенг ёритганлар. Мазкур тадқиқотда ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмларига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг “Ёшлар Фарғона водийсида ижтимоий уйғунлик учун” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида ёш лидерларни тайёрлашнинг самарали институционал механизмларини жорий қилиш юзасидан аниқ, манзилли, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“сиёсий лидер” тушунчасининг мазмун-моҳияти ва назарий-методологик асосларини очиқ бериш, сиёсий лидерликка оид назарияларни таснифлаш;

Ўзбекистонда ёш лидерларни тайёрлашнинг миллий-маънавий, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва эволюциясининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

ёш лидерларни тайёрлашга оид миллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш;

ёш лидерларни тайёрлаш билан боғлиқ институционал муаммоларни аниқлаш;

ёш лидерларни тайёрлашга қаратилган институционал чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ва рейтингини юритиш тизими юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ёш лидерлар тайёрлашнинг янги самарали институционал механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги ёш лидерларни тайёрлашга ихтисослашган давлат ва нодавлат ташкилотлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатда ёш лидерларни тайёрлашнинг янги технологиялари, усул ва инструментлари ҳамда бу борадаги институционал муаммолар ва истиқболлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мантиқийлик, тарихий, тизимли, институционал, қиёсий таҳлил, психологик, бихевиористик, когнитив карталаштириш, умумлаштириш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ қилиш, индукция ва дедукция ҳамда статистик маълумотларни таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бошқарувда ёш лидерлар концепцияси институционал ёндашув асосида конкретлаштирилиб, уни шакллантиришга тўсқинлик қилаётган асосий ижтимоий муаммолар рейтинги тузилган;

давлат бошқарувида ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш ва режалаштириш, ёш лидерларни давлат бошқаруви раҳбарлик лавозимларига мақсадли тайёрлашда “Келажак лидерлари академияси”ни Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳузурида ҳамда жойларда ёшларнинг давлат органлари билан мулоқотини мустаҳкамлашга қаратилган “Келажак лидерлари” форумларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

давлат бошқарувида волонтерликнинг ҳақ тўланадиган амалиёт турини жорий қилиш, ёш кадрларни ишга қабул қилишда волонтерлик фаолиятини ҳисобга олиниши тизимини қонунийлаштириш орқали ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмлари самарадорлиги асосланган;

Ўзбекистонда ёшлар парламенти моделини маслаҳат органидан қарор қабул қилишга таъсир ўтказувчи органга трансформация қилиш орқали ёш лидерларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

хорижий ва миллий тажрибаларни ўрганиш асосидаги тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, ёш лидерлар тайёрлашнинг институционал механизмлари тавсифланган;

ёш лидерлар тайёрлаш тизимида мавжуд муаммолар тадқиқ қилиниб, тизимлаштирилган ва таснифланган;

қарор қабул қилиш жараёнида ёшларнинг сиёсий иштирокини қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишонччилиги. Тадқиқотда фойдаланилган манбалардан, жумладан, халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идораларнинг ҳисоботлари ва таҳлилий ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлардан, турли тадқиқот марказлари, Давлат статистика қўмитаси, халқаро статистика органлари ва рейтинг тизимлари расмий веб саҳифалари, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашув ва усуллар расмий ҳужжатлардан, давлат архивлари фондларидан

олингани, тадқиқот натижаларининг, хулоса ва таклифларининг ваколатли ташкилот томонидан тасдиқлангани ва амалиётга жорий қилингани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таҳлиллар, хулоса ва тавсиялар, хорижий тажрибаларга оид материаллар, мамлакатда ёш лидерлар тайёрлашга доир ислохотларнинг сиёсий жараён сифатида тадқиқ этилиши Ўзбекистон Республикасидаги ёшларга оид давлат сиёсати соҳасига қизиққан барча илмий жамоатчилик вакиллари – олимлар, тадқиқотчилар, талаба ва магистрантлар учун илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан манфаатдор давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимлик органларининг кадрлар захирасини яратиш, замонавий талаблар асосида ходимлар малакасини ошириб бориш, илғор билимли, етакчи, хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, юмшоқ кўникмалари ривожланган ёш лидерларни тайёрлашда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда ёш лидерлар тайёрлашнинг институционал механизмларини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган амалий таклифлар ва тадқиқот натижалари асосида:

бошқарувда ёш лидерлар концепцияси институционал ёндашув асосида конкретлаштирилиб, уни шакллантиришга тўсқинлик қилаётган асосий ижтимоий муаммолар рейтинги юзасидан берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида”ги СҚ-361-IV-сонли қарори билан тасдиқланган низом ҳамда рейтинг кўрсаткичларида ўз аксини топган (Олий Мажлис Сенатининг 2021 йил 13 сентябрдаги № 24-14/10-сонли далолатномаси). Натижада жойларда истиқболли ёш кадрлар захирасини яратиш, ёшлар ва кадрлар тайёрлашга оид сиёсатнинг самарадорлигини оширишга эришилган;

давлат бошқарувида ёш кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш ва режалаштириш, ёш лидерларни давлат бошқаруви раҳбарлик лавозимларига мақсадли тайёрлашда “Келажак лидерлари академияси”ни Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳузурида ҳамда жойларда ёшларнинг давлат органлари билан мулоқотини мустаҳкамлашга қаратилган “Келажак лидерлари” форумларини ташкил этиш юзасидан таклифларидан Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини такомиллаштиришда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида “Ўзбекистон ёшлари форуми – 2021” ҳафталигини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрда ўтказилган йиғилишнинг 208-сон баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 47-банди асосида “Келажак лидерлари” форумини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг фаолиятида фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2022 йил 7 январдаги № 1-01-21-25-сон далолатномаси). Натижада барча ҳудудлардаги салоҳиятли ёшларни давлат фуқаролик хизматига тайёрлаш,

уларда лидерлик кўникмаларини шакллантириш, ёш кадрларни селекция қилишга хизмат қиладиган мулоқот платформасини яратишга эришилган;

давлат бошқарувида волонтерликнинг ҳақ тўланадиган амалиёт турини жорий қилиш, ёш кадрларни ишга қабул қилишда волонтерлик фаолияти ҳисобга олиниши тизимини қонунийлаштириш орқали ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмлари юзасидан таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида имзоланган “Ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш, уларнинг иш ўрганиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қўшма қарори (2021) ҳамда “Давлат органларининг вазифа ва функцияларини волонтерлик орқали нисбатан самарали ва тежамкор шаклда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низом”и лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги № 1-01-23-2311-сон далолатномаси). Натижада 700 нафарга яқин ёшларни Агентлик фаолиятига жалб қилиш, улар орасидан энг яхши натижа кўрсатган 320 нафар волонтерларни Агентликнинг маҳаллий ва ҳудудий бўлим ва бошқармаларига ишга қабул қилиш ҳамда уларнинг лидерлик кўникмаларини ривожлантиришга эришилди.

Ўзбекистонда ёшлар парламенти моделини маслаҳат органидан қарор қабул қилишга таъсир ўтказувчи органга трансформация қилиш орқали ёш лидерларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш юзасидан берилган таклифлардан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан “Ўзбекистон ёшлари форуми – 2021” ҳафталиги доирасида “Ёшлар ҳуқуқлари ва глобал муаммолар” ёш ҳуқуқшунослар ва парламентарийлар форумини ташкил этиш ва ўтказишда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил 7 январдаги 20/1-57-сонли далолатномаси). Натижада ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва лидерлик кўникмаларини оширишга эришилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятида тадқиқот натижаларидан 2018 йилдан бошлаб “Ўзбекистон” телеканалининг “Муносабат” телекўрсатуви ҳамда 2020 йилдан бошлаб “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Қарама-қарши” телекўрсатувлари, шунингдек, “Ёшлар” телерадиоканали томонидан тайёрланиб, 2021 йил июль ойида эфирга узатилган “Стратегик куч” номли хужжатли фильми сценарийисини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 сентябрдаги 01-15/1857-сонли маълумотномаси ва 2022 йил 7 январдаги 04-14/28-сонли далолатномаси). Натижада ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг, ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади, мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳага оид билимлари ва дунёқарашини оширишга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 3 таси республика, 4 таси хорижий журналларда) ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий конференцияда, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция тўпламларида мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар, тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Сиёсий лидер тушунчасининг назарий-методологик асослари”** деб номланган бобида сиёсатшуносликда “лидер” тушунчаси, унинг назарий аҳамияти, лидерларни тайёрлашга оид назариялар таснифи, Ўзбекистонда лидерларни тайёрлашнинг миллий-маънавий, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши тадқиқ қилинган.

Сиёсатшуносликда “лидер” тушунчаси кўплаб олимлар томонидан тадқиқ эитлган. Ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти Аристотель, Плутарх, Макиавелли, Вебер, Моска, Парето, Михельс, Т.Карлайль, Эмерсон, Ф.Ницше, Й.Шумпетер ва бошқалар томонидан кенг тадқиқ этилган.

Етакчилик дунёда ҳокимият ва ташкилот пайдо бўлган даврдан буён жамиятни уюштирувчи омиллардан бири сифатида яшаб келмоқда. “Етакчи” (“лидер”) сўзи инглиз тилидаги «leader»нинг таржимаси —«етакчи», «бошчилик қилувчи» маъноларини беради. Етакчилик қилувчи вазиятларнинг институтлашуви расмий етакчилик тушунчасида ўз ифодасини топди. Унда алоҳида олинган шахсларнинг ташкилот аъзоларига нисбатан устувор тарзда таъсир кўрсата олиши ва бу жараён ижтимоий иерархия қонуниятларига асосланган меъёрлар ва қоидалар асосида рўй бериши кузатила бошланди. Инсоннинг етакчилик ролини бажаришдаги субъектив қобилияти ва тайёрлиги, шунингдек, гуруҳ (ташкилот, жамият) аъзолари томонидан унинг раҳбарлик қилиш ҳуқуқининг эътироф этилиши норасмий етакчилик тушунчаси билан характерланди¹.

Сиёсий лидерлар барча сиёсий тузилмалар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг шахсий ва касбий кўникмалари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий

¹ М.Қирғизбоев. Сиёсатшунослик: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма / М.Қирғизбоев; Андижон давлат университети. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – Б. 239, 247.

давлатни барпо этиш жараёнларига бевосита таъсир ўтказди. Бу каби сиёсий лидерлар қаторида Уинстон Черчилль, Франклин Делано Рузвельт, Наполеон Бонапарт, Махатма Ганди, Шарль де Голь, Фидель Кастро, Владимир Ленин, Сталин, Ислам Каримов, Шавкат Мирзиёев, Владимир Путин, Режеп Тойип Эрдоған ва бошқа сиёсий лидерларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Сиёсий лидерлик – бу сиёсий жараёнларни бошқариш, йўналтириш, уларни ҳал этиш юзасидан қарорлар қабул қилишни англатади. Аксарият ҳолларда бу вазифани лидерлик кўникмаларига эга инсонларгина амалга ошира олади.

Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам лидер ёшлар инсон капиталининг энг катта ресурси сифатида эътироф этилиб, уларнинг таълим-тарбияси, шахсий ривожланишига сармоя киритиш стратегик вазифалар қаторидан ўрин олди. Бу жараёнда, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш барча мамлакатларнинг давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда.

“Ёш лидер” тушунчаси сиёсатшуносликда илмий таърифга эга эмас, шу билан бирга ушбу тушунчанинг ҳуқуқий таърифи ҳам белгиланмаган. Шунинг учун ёш лидер деганда ёшлар ташкилотида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшларни, турли ташкилотларда раҳбарлик лавозимларида ишлайдиган ёшлар ҳамда етакчилик кўникмаларига эга ҳар қандай ёшларни тушуниш мумкин. Бундан келиб чиқиб, ушбу тушунчани меъёрий ҳужжатларда акс эттириш ва унинг илмий таърифини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Лидер сўзининг луғавий маъноси² ҳамда унинг турли синоним тушунчалари, жумладан, етакчи, сардор, раҳбар ва бошқаларнинг мазмун-моҳияти, қўлланилиш ҳолатлари таҳлил қилинган. Бу тушунчалар Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида тилга олиниб, лидерларнинг ахлоқий фазилатлари борасида мулоҳазалар юритилади.³

Тадқиқот таҳлиллари асосида “ёш лидер – ўттиз ёшдан ошмаган, табиий етакчилик фазилатларига эга, инсонларни ортидан эргаштира оладиган ёки ўзгалар хатти-ҳаракатларига таъсир ўтказишга қодир, фаолияти тўлиқ ёки қисман қарор қабул қилиш ёки қарор ижросини таъминлаш жараёнини бошқариш билан боғлиқ шахс” деган тушунчани таклиф қиляпмиз.

Ёш лидерларга оид турли назарий-методолик манбалар мавжуд бўлиб, уларда ёшлар, хотин-қизлар, аҳолининг турли тоифаларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаши билан боғлиқ муаммолар ва ечимлар таҳлил қилинган. Жумладан, Алберт Бандуранинг “Шахсий самарадорлик назарияси” (Self-efficacy Theory) ўз ичига 4 та асосий компонентни қамраб олади: шахсий ютуқлар ва муваффақиятлар; ижтимоий қарашлар; ўзгаларнинг тажрибасини кузатиш ҳамда инсоннинг физиологик ва эмоционал ҳолати. Яна бир лидерлик назарияси Жон Хенризм назарияси бўлиб, у қийинчиликларга учраганда машаққатли меҳнат қилиб, муваффақиятга эришиш иродасини англатади⁴ ҳамда ушбу назария одатда жамиятда камситиладиган инсонларга хос ҳисобланади

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Тошкент, 2016. – Б. 362.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: Янги аср авлоди. 2020. – Б. 159.

⁴ Mariam Teresa Railey. A Phenomenological Study of Black Women With Depression, Holding Senior Leadership Positions. Dis. University of Phoenix, USA.-2020. – P. 56.


(имконияти чекланган, кам таъминланганлар, аёллар, ёшлар ва бошқа аҳоли қатламларига).

Сиёсатшуносликда ёш лидерларга оид турли назариялар мавжуд бўлиб, уларни икки категорияга ажратиш мумкин. Биринчиси – лидерликни туғма қобилият деб ҳисобловчи назариялар категорияси, иккинчиси – лидерликни инсон ҳаёти давомида орттириладиган кўникма деб ҳисоблайдиган назариялар категорияси.



Турли лидерлик назариялари (мисол учун Томас Карлилнинг “Буюк инсон назарияси”-“The Great Man” Theory) да лидерлик фазилатлари туғма қобилият деб ҳисобланса, Козес ва Познер назариясида лидерлик ҳаёт давомида шаклландиган феъл-атвор ва кўникма деб ҳисобланади. Амбициялари бор инсон ўз устида ишлаб, 10 та сабоқни ўзлаштирса, бошқарувда табиий етакчилардан ҳам яхшироқ натижага эришиши мумкин эканлиги таъкидланади. Карлин Уиверга кўра, чинакам лидер раҳбарлар жамоани мустаҳкамлаш орқали ишончли ва илиқ муносабатларни шакллантирадilar, ташкилий жараёнларга ёш аёл-қиз мутахассисларнинг жалб қилиниши натижасида улар ёш аёл-қизларга ментор ва ўрнак бўладilar.

Лидерлар тайёрлашнинг миллий-маънавий, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишини шартли равишда бта асосий эволюцион босқичга ажратиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир даврда ёш лидерларни тайёрлаш борасида учраётган камчилик ва муаммолар, Ўзбекистонда ёш лидер кадрлар тайёрлашнинг миллий-маънавий, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиш жараёнларининг ўзига ҳос жиҳатлари ҳам мазкур бобда тадқиқ қилинган.



Диссертациянинг иккинчи “**Ёш лидерлар тайёрлаш тизими: миллий ва хорижий тажриба**” номли бобида Ўзбекистонда ёш лидерлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати ва муаммолари, ёш лидерлар тайёрлашга доир хорижий тажриба таҳлили, ёш лидерлар тайёрлашда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Бугунги кунда дунёда 30 ёшгача бўлган 3,5 миллиард одам яшайди, улар сон жиҳатидан тарихдаги энг кўп сонли аҳолини ташкил қилади. Ўзбекистон аҳолисининг 18,9 миллион нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади (ёшлар сонининг ўсиш кўрсаткичлари йилига 190 минг нафар)⁵. Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида сўнгги 2017-2021 йилларда 6 та қонун ва 50 га яқин қонуности ҳужжатлар қабул қилинди.

Тадқиқотда халқаро ташкилотларнинг мавзу доирасида ўтказган ўрганишлари, ижтимоий сўровномалари ва илмий изланишларининг натижалари, хорижий мамлакатларнинг БМТ ва унинг тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширган йирик лойиҳалари, жаҳон парламентаризмида ёшларнинг роли таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Жумладан, ёш лидерларни давлат бошқаруви тизимига, раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш борасидаги 17 та хорижий мамлакат тажрибаси, барча китъалар демографик тенденциялари, 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ва ёшларни давлат бошқаруви, сиёсий жараёнлар ва муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларига тайёрлаш масалаларини ўз ичига қамраб олган 15 та йирик лойиҳа натижалари ўрганилди. Мазкур масалаларга доир 80 дан ортиқ хорижий адабиётлар таҳлил қилиниб, турли олим ва тадқиқотчилар (Аллан Дейл Томпсон, Карлин Уивер, Ж.Чендлер, Женнифер Мортенсен, Жастин Краун, Мариам Тереза Рейли, Мари Бранинг, Ричард Хардз, Сара Уилям, Парето, Питер Друкер, Гумилёв ва бошқалар)нинг таклиф ва тавсиялари орасидан энг мақбуллари Ўзбекистон шароитида татбиқ қилиш механизмлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, Парламентларо иттифоқнинг Миллий парламентларда ёшларнинг иштироки тўғрисидаги сўнгги 2020 йилдаги ҳисоботида кўра, дунё парламентаризмида 30 ёшгача бўлган депутатларнинг улуши 2,6 фоизга етгани қайд этилган⁶. Бу кўрсаткич икки йил аввалгига нисбатан 0,4 фоизга ошган, бироқ, дунё аҳолисининг 50 фоизи 30 ёшдан кичик бўлганлиги сабабли, ҳисоботда бутун дунё ёшларининг сиёсий вакиллиги кўрсаткичида катта камчилик борлиги кўрсатилган.

Расмий сиёсий раҳбарлик лавозимларида 35 ёшгача бўлган инсонлар камдан-кам учрайди. Дунё мамлакатларининг учдан бирида миллий парламентга сайланиш ҳуқуқи 25 ёшдан ёки ундан ҳам катта ёшдан бошланади ва одатда 35-40 ёшдаги сиёсатчиларга “ёш” деб мурожаат қилиш амалиёти кузатилади. Парламент, сиёсий партиялар, сайловлар ва давлат бошқаруви каби расмий сиёсий институтларда ёшларнинг сиёсий иштироки объектив

⁵ Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

⁶ Халқаро парламентларо иттифоқ ҳисоботи (2020) <https://www.ipu.org/youth2021-PR>

таъминланмаган⁷. Ёш ва ўрта ёшдаги раҳбарлик лавозимларидаги аёл-қизлар билан боғлиқ вазият эса янада хавотирли.

Ёш лидерларни давлат бошқарувиغا жалб қилишда учрайдиган асосий муаммоларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ муаммоларга меъёрий-ҳуқуқий йўналишдаги омилларни (ёшларнинг вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқининг 21 ва 25 ёшда вужудга келиши ва бошқалар), иккинчи гуруҳга инфратузилмавий омилларни (ёш лидерлар учун олис ҳудудларда ротация, дублёрлик, амалиёт дастурларини жорий қилишга инфратузилма тўлиқ жавоб бермаслиги ва бошқалар) ва учинчи гуруҳ муаммоларга шахслар билан боғлиқ муаммолар (яъни стереотиплар, менталитет ва дунёқараш кабилар)ни киритиш мумкин.

Прогнозларимизга кўра, давлат бюджети асосида ўқишга қабул қилинган талабалар назарий билимлари нисбатан юқори бўлган ёшлар ҳисобланса ҳамда улар ўртача 17-18 ёшда ўрта умумтаълим муассасаларини тамомлагач, ОТМга ўқишга қабул қилиниб, ўртача 4 йил давомида таҳсил олса, 21-22 ёшда олий маълумотли мутахассис сифатида давлат фуқаролик хизматида кириб келади. Демак, улар ўттиз ёшга тўлгунига қадар 8-9 йил мобайнида тажриба орттириб, малакасини ошириш ва раҳбарлик лавозимларига тайинланиш имкониятига эга бўладилар. Жорий йилда давлат бюджети асосида ўқишга қабул қилинган 24,5 минг нафар ёшларнинг бир қисми 2030 йилга келиб давлат бошқарувида турли раҳбарлик лавозимларини эгаллашлари эҳтимоли мавжуд.

Республикада 150 га яқин олий таълим муассасаси олий маълумотли мутахассисларни тайёрламоқда. Улардан 30% ида бошқарув кадрларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Янги Ўзбекистон университети ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти бевосита мазкур мутахассислик бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ҳамда бакалавр, магистратура, докторантура йўналишларида ёш мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган.

Маҳаллий олий таълим муассасаларидан 45 таси (43,7 %) 15 та давлат органлари ва ташкилотларига бириктирилган бўлса-да, ҳозирда мавжуд уч томонлама шартнома (битирувчи, олий таълим муассасаси ва иш берувчи) тизими ўзининг самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Кадрлар буюртмачиларининг таклифлари асосида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилган.

Жойларда ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини баҳолашга қаратилган рейтинг тизимини жорий қилиш орқали давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг мониторингини юритиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти яратилади.

БМТнинг Ёшлар тараққиёти бўйича идоралараро тармоғи (БМТ ЁТИТ) томонидан 2012 йил август ойида ўтказилган сўровномасига кўра, дунёнинг 186 та мамлакатидан иштирок этган 13 минг нафар респондентларнинг кўпчилики

⁷ UNDP (2012) Enhancing Youth Political Participation throughout the Electoral Cycle

қисми асосий қийинчиликлар сифатида ёшларнинг қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштироки чекланганлигини кўрсатган. Бундай чекланган шароитда ёш йигит-қизлар ўзларини инклюзив қарор қабул қилиш жараёнларидан четлатилган, маргиналлашган ҳис қиладилар.

Борденнинг фикрига кўра, дунёда 25 га яқин миллий ва халқаро даражадаги нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар 30 миллиондан ортиқ ёшлар учун хизмат қилиб келмоқа (скаутлар ташкилоти, ўғил болалар ва қизлар клублари ва бошқалар). Мазкур ташкилотларда 300 минг нафарга яқин кадрлар меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Шунингдек, унинг ҳисоб-китобларига кўра маданият, спорт, таълим ва бошқа соҳаларга оид ёшлар ташкилотларининг сони 17 мингдан ортиқни ташкил қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу ташкилотларнинг дастурларида иштирок этадиган ва малака ошириб борадиган ёшлар муваффақият қозониш, ишга жойлашиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ва ўз ўрнига эга бўлишда бошқаларга нисбатан кўпроқ самарага эришадилар.

Ёш лидерларни тайёрлаш мақсадида улар учун турли тузилмалар фаолиятини рағбатлантириш зарур. Ёшларнинг манфаатлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари атрофида уюшиши, “Ёшлар парламенти”, “Бирлашган Миллатлар ташкилоти модели” каби қарор қабул қилиш жараёнида ёшларнинг иштирокини инобатга олишга хизмат қиладиган лойиҳалар сони ва кўламини кенгайтириш орқали уларни давлат хизмати ва бошқарув лавозимларига тайёрлаш тажрибаси самарали натижаларни бериб келмоқда. Бу жараёнларда асосий эътиборни ёшларнинг уюлмаган, маргиналлашган қатлами, аёллар, ногиронлиги бўлган ёшларни камраб олишга қаратиш зарур. Бунда эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан ажратиладиган мақсадли грант ва субсидиялар орқали қўллаб-қувватлаш мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг энг самарали кўринишларидан ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи **“Ёш лидерлар тайёрлаш институционал механизмларининг такомиллаштирилиши”** деб номланган бобида Янги Ўзбекистонда ёш лидерларни тайёрлаш миллий стратегиясининг яратилиши, ёш лидерларни тайёрлашда Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятинининг такомиллаштирилиши, давлат кадрлар сиёсатида ёш лидерларни тайёрлашнинг институционал механизмлари ва истиқболлари таҳлил қилинган.

2017 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида мамлакат инсон қадрини барча ислохотларнинг туб моҳияти сифатида белгилаган давлат сифатида жадал суръатлар билан тараққий этиб бормоқда ҳамда жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

Мамлакатда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган эзгу ғоя асосда мутлақо янги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш вазибалари белгиланиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда демократик мезонлар талабларига жавоб берадиган элита қатлами ва етакчилиқни шакллантириш ислохотлари кун тартибига кўйилди. “Ёшлар – келажак бунёдкорлари” деган бош ғояга таянган ҳолда,

мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ёшларни қўллаб қувватлаш, уларнинг қарашлари, хоҳиш ва истаклари, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олиш ва, энг муҳими, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ёш мутахассислар салоҳияти, билим ва кўникмаларига таяниш тенденцияси шаклланиб, ривожланиб бормоқда.

Мазкур бобда Ўзбекистонда ёш лидерларни давлат бошқарувига тайёрлаш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Камалак” болалар ташкилоти, Волонтёрлар ассоциацияси, Ёшлар парламентлари, “Келажак лидерлари”, “Қизлар овози” клублари ва бошқаларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги таклифлар асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қошида “Ёшлар парламентлари” ташкил этилди. “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида қайд этилишича, бу борадаги ишлар яна давом эттирилади. “Парламентлараро иттифоқ кўмагида “Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!” деган эзгу ташаббусни амалга оширамиз. Сиёсий етук ва фаол ёш йигит-қизларимизни миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб қиламиз⁸”, деб таъкидлайдилар давлат раҳбари.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашувчи фуқаролик жамияти институти сифатида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигида ёшлар томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида 28 та турли йўналишдаги жамоат ташкилотлари тузилиб, фаолияти самарали йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 862 та нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари тузилган. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 5 та сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари атрофида 995 мингга яқин ёшлар бирлашган. Сўнги 4 йилда “социал лифт” тушунчаси 1640 нафардан ортиқ ёш лидерлар фаолиятида ўз аксини топган.

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий бошқарув органларининг ёш лидерларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими эса бу борадаги ишларни горизонтал ва вертикал бошқарувда самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Давлат бошқаруви академиясида 2013-2020 йилларда таҳсил олган тингловчилар орасидан 30 ёшгача бўлган тингловчилар сифат таркиби ўрганилганда, ўтган 7 йилда академияда жами 574 нафар тингловчи таҳсил олгани, улардан 221 нафари (38,5%) ёш тингловчиларни ташкил қилгани ва бор-йўғи 14 нафари (6,3%) ёш аёл-қизларни ташкил қилгани маълум бўлди.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2021. – Б. 254.

Шунингдек, академияни тамомлаган ёш тингловчиларнинг 131 нафари (59,3%) бугунги кунда давлат хизматида фаолият юритаётганлиги аниқланди.

Бугун барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун кўядиган, ҳалол ва жонкуяр, ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшларни масъулиятли вазифаларга тайинлаш мақсадида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳузурида “Келажак лидерлари академияси”ни ташкил қилиш зарурати асосланган.

Шунингдек, ёшларни қарор қабул қилиш жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида парламентнинг икки палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентларининг моделини маслаҳат органидан қарор қабул қилиш жараёнига маълум миқдорда таъсир ўтказа оладиган органга трансформация қилиш, яъни ёш парламентарийларнинг умумий ҳулосасини парламент ўқишларида инобатга олинишини таъминлаш таклиф этилади.

